



Халқ Сўзи



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2 июль, chorshanba, 1997 йил
Сотувада эркин нархда. № 139 (1656)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

1997/98 Ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртлигига қабул тўғрисида

Замонавий билимлар ва кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, олий маълумот олишда қobiliятли ёшларни ихтиромий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда ўқув юртлигига абитуриентларни сифатли танлаб олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР қилади:

1. 1997/98 ўқув йилида 21 мингта давлат грантлари белгиланиб, улар таълим йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртлиги бўйича тақсимлансин.
2. Белгилаб қўйилсинки, мазкур грантларни тақсимлаш ҳар бир ихтисос (Ўзбекистон Республикаси мутахассислари тайёрланадиган ихтисос) бўйича давлат грантларига асосан энг озоқ қабул қилишни таъминлайдиган тарзда амалга оширилади.
3. Қабулни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ечиш учун Ўзбекистон Республикаси Ўқув юртлигига қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг таркиби тасдиқлансин.
4. 1997/98 ўқув йилида давлат грантига қўра, ҳар бир ихтисос бўйича белгиланган қабул миқдорининг 100 фоизига қадар доирада тўлов-контракт асосидаги қабул квотаси ўрнатилсин. Бунда юридик ва жисмоний шахсларнинг аризаларидан ҳамда мазкур тўлов-контракт асосидаги абитуриентлар ўртасида тест синовларининг натижаларидан келиб чиққан ҳолда улар томонидан таълимнинг тўлиқ қиймати тўлашни кўзда тутилсин.
5. Давлат комиссияси: юридик ва жисмоний шахсларнинг аризаларини ҳисобга олган ҳолда тўлов-контракт асосидаги аниқ ихтисослар ва таълим йўналишлари бўйича қабул қўрсаткичларини кўриб чиқиб, уларга тегишли ўзгаришлар киритсин; Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртлигига талабалар қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги низомига зарур ўзгаришлар киритсин.
6. Ўзбекистон Республикаси Ўқув юртлигига қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг таркиби тасдиқлансин.

миссияси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан бирга республика ўқув юртлигига таълимнинг тўлов-контракт шакли тўғрисидаги низоми бир ҳафта муддатда қайта кўриб чиқиб, тасдиқлансинлар ва матбуотда эълон қилинсинлар. Низомида контракт шартлари бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлиги оширилиши кўзда тутилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Макрокўрсаткичи ва статистика вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан бирга ҳар йили 1 февралга қадар республика ва минтақаларнинг малакали кадрларга бўлган талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда мутахассислар тайёрлаш бўйича тақдирлар киритсинлар.

8. Молия вазирлиги 1997/98 ўқув йилига белгиланган давлат грантларини ҳисобга олган ҳолда бюджетнинг дастлабки тахминий кўрсаткичларига ўзгаришлар киритсин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1997 йил 1 июль.



ЭЛ ДАСТУРХОНИ ТўКИНЛИГИ САРИ

Асака туманидаги мева-узумчиликка ихтисослашган «Соҳибкор» ширкатлар уюшмаси денгиз сатҳидан 132 метр баландликда, қир-адирларда жойлашган. Ерларнинг барчаси сув насослари ёрдамида сугорилади. Қисқаси, бу ерда деҳқончилик қилиш осон иш эмас.

Уюшма соҳибқорлари 450 гектар мевазорларни меҳр билан парваршлаб, эл-юрт дастурхони тўкилиши йўлида астойдил меҳнат қилиб келаяптирлар. Улар бу йил

мавжуд бог ва тоқзорлардан 800 тонна узум, 500 тонна мева йиғиштириб олишга аҳд қилганлар. Айни кунларда режа удаланиши учун зарур чоралар кўрилиб, боглар ҳосилга ҳосил қилинмоқда.

СУРАТДА: «Соҳибкор» ширкатлар уюшмаси раиси Иброҳимжон Мамадалиев ва механизатор Қодиржон Исмомов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИА ШОН-ШУҲРАТИ МУЗЕЙИДА

АЛОҲИДА ҚИММАТЛИ ЭКСПОНАТ

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Олимпия шон-шуҳрати музейига Осиё Олимпия кенгашининг Олтин орденини топширди. Республикаимиз Президентини Осиё китъасида олимпия анъаналарини қарор топтириши ва кўпайтиришига, ўз мамлакатини жисмоний тарбия ва спортнинг ривожлантиришига қўшган буюк ҳиссаси учун шу ордени билан мукофотланган эди. 1 июль куни фахрий муқофотни музейга тантаъали вазирад топириши маросими бўлди.

Тантанали маросимни Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Баҳодир Махситов очди. Эндиликда Президентимизнинг иккита фахрий олимпия муқофоти -- Халқаро олимпия қўмитасининг олтин ордени ва Осиё олимпия кенгашининг олтин ордени Олимпия шон-шуҳрати музейи экспозициясини муносиб равишда безаб туради. Бош вазир ўринбосари Алишер Азизхўжаев музей жамоасига бу совғани топириб, давлатимиз бошлиғи шу тоифадаги давлат арбоблари орасида биринчи бўлиб Осиё олимпия кенгашининг Олтин ордени билан мукофотланганини таъкидлади. Осиё олимпия кенгашининг президенти Шайх Аҳмад орденини топшириш чоғида қайд этганидек, бу юксак муқофот Ислам Каримовнинг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришдаги хизматлари, унинг Ўзбекистон аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш тўғрисидаги фамхўрлиги халқаро миқёсда эътироф этилганини акс эттиради.

(Ў.А.)

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚўМИТАСИДА ҚИРҚ ОЛТИТА ҚўШМА ҚОРХОНА БЎР, ЛЕКИН...

Кеча Олий Мажлис Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси Эркин ВОҲИДОВ бошқарди.

Йиғилишда «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги Қонуннинг Бухоро вилоятидаги ижроси ҳақидаги масала муҳофизат қилинди. Йиғилишда таъкидланганидек, вилоятда айни пайтда 400 га яқин қорхона, муассаса ва ташкилотлар ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ барча турдаги ишларни амалга оширмоқда. Тадбиркорликни янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоятнинг 13 та шаҳар ва туманида «Бизнес-фонд» бўлими раҳбарлигида вилоятнинг 11450 миң сўм миқдоридики амалий ёрдам берилди. Бу эса вилоят миқёсида 1364 та янги ишчи ўрни яратилишига имконият яратди.

Вилоятда ташқи фаолиятни ривожлантириш масаласида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса аҳолини халқ истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва турли хизмат турларини кўпайтириш билан биргаликда янги иш ўринлари пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Масалан, 1991 йилда вилоят бўйича битта қўшма қорхона фаолият юритган бўлса, эндиликда унинг сони 46 тага етди. Қўшма қорхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг экспорт ҳажми 46300 миң, импорт эса 67,6 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Вилоятдаги «Бухоро шариф» электроник корпорейшн-Ўзбекистон-Жанубий Корея, «Омега-ситора» Ўзбекистон-Юнонистон ҳамда «Бухоротекс» қўшма қорхоналари фаолиятини таҳсинга лойиқдир.

Шу ўринда вилоятда хорижий сармоя иштирокида бунёд этилётган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида таъкидланган керак. Маълумки, ушбу гигант заводи куриши 1993 йилда бошланган эди. У Франциянинг «Тексип» компанияси билан ҳамкорликда яратилмоқда. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қўрилишига 215 миллион АҚШ доллари миқдоридики хорижий сармоя киритилган. Унда Ўзбекистоннинг ҳиссаси 151 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Заводнинг биринчи навбати қуввати 2,5 миллион тонна газ конденсатини қайта ишлашдан иборат. Айни пайтда завод қўрилишида 1450 нафар хорижий мутахассис ишламоқда. Бундан ташқари, Бухоро аэропортини таъмирлаш ва реконструкция қилиш учун Япониянинг «Жако» компанияси, дори-дармон ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Гуфид»-Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма қорхонаси фаолиятини ҳам қайда этмок жоиз.

Қонун ижроси билан танишув жараёнида айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги ҳам аниқланди. Масалан, мавжуд қорхоналарнинг ақсарияти шаҳарларда бунёд этилган. Мавжуд 46 та қўшма қорхонадан 24 таси турли сабабларга қўра ўз фаолиятини тўқтатган.

Базми бир қорхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифати ҳақин аниқлашга жавоб бермайди. «Совхозпроптеми» қўшма қорхонаси эса қонунга хилоф равишда Бухоро ҳокимлиги бўйриғига асосан «НОИТЕКС» қўшма қорхонасига филиал шифатида рўйхатга олинган.

Йиғилиш сўнгида мазкур қонуннинг ижросига доир камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Исमत ХУДОЁРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ЯДРО ҚУРОЛИДАН ХОЛИ ЗОНА» ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

ТОШКЕНТ АНЖУМАНИ: ОСОЙИШТА КЕЛАЖАК УЧУН ЙЎЛ

XXI асрда Евроосиё марказидаги йирик минтақанинг холи нима кечди? Мажорлар ва бекарорлик сайерамининг сиёсий ва иқтисодий марказлари ўртасидаги низолар сабабчи ёки тинч, туллаб-яшнаётган ўлка, инсониятнинг йирик цивилизацияларини болғовчи ҳалқа бўлиб қолади-ми? Мустақил Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бош мақсади воқеаларнинг биринчи йўл бўлиши ривожланишига йўл қўймасликка қаратилган.

Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги барча ташаббуслари мазкур вазиранга амалга ошириш учун қаратилган. Шулардан бири -- минтақада ядро қуролидан холи зона яратиш фикри Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессияси минобаридан туриб сўзланган нутқидан ўрин олди. Бу фикр халқаро ҳамжиҳатчи томонидан қўллаб-қувватланиб, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1997 йил февралдаги Алматы учрашувидан кейин халқларини эродисини намойиш этувчи гога айланди ва «Марказий Осиё -- ядро қуролидан холи зона» шiori остида халқаро конференция ўтказишга туртки берди.

Бу дастлабки, шу билан бирга, ядро ҳавфидан озоқ келажак учун жуда муҳим қадам бўлади. Анжуман шу йилнинг 14-16 сентябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтди. Конференция ишининг самарали бўлиши кўп жиҳатдан унинг тайёр-гардигига боғлиқ.

Матбуотда хабар қилинганидек, Ўзбекистон пойтахтида Норвегия, Россия, АҚШ экспертлари билан ишчи консултатсиялари ўтказилди. Яқинда Тошкентга Япония халқаро муаммолар институти олимлари келиб кетиши. Конференция ҳаммуассислари -- Марказий Осиё давлатлари дипломатлари ишчи ҳам самарали бўлиб, улар минтақавий кенаш иши доирада анжуман кун тартиби, ишчи гуруҳи фаолияти ва дастлабки ишчи ҳужжатлари билан танишди.

Мазкур анжуманга тайёргарлик нафақат минтақа доирасида бўлмоқда, балки республика



корликда Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш бўйича изланишларини баён этиб, сессия иштирокдорларини сентябрь ойида ўтадиган халқаро анжуман режаси ҳамда Тошкент конференциясининг мақсади ва вазибалари билан таништирди. Баёнот матни МАГАТЭга аъзо давлатлар ҳайъатлари орасида тарқатилиб, кўпчилик Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

МАГАТЭнинг турли департаментлари раҳбарлари ва экспертлари билан сўхбат чоғида жаҳоннинг бошқа минтақаларида ядро қуросиз зоналар яратиш тажрибаси ва унинг ҳуқуқий асослари тўғрисида фикрлар алмашилди, техник ва ташкилий жиҳатдан кенг доирадаги масалалар кўриб чиқилди. Хусусан, Тошкент конференцияси ишининг сессияларидан бирини «Ядро қуролидан холи зоналар: қаролик муаммолари» номи билан МАГАТЭ вакили бошқариши тақлифи ўртага ташланди.

Сессиянинг Венадаги иш кунларида ҳайъатимиз аъзоларининг Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Бош котиви Жанкарло Арагона билан учрашуви бўлиб ўтди. Ўзбекистон ташаббуси ҳақида тўлиқ маълумот ва конференция учун тақлифнома олган ЕХТ Бош котиви бу анжуманнинг беш ядро давлати ва бошқа кўп давлатлар томонидан қўллаб-қувватланиши Марказий Осиёда ядро қуросиз зона яратиш гоёсинга жиддий қизиқиш мажмулиги ва мазкур халқаро воқеанинг муҳимлигидан далолат беради, деб таъкидлади.

Жаноб Арагона ЕХТнинг анжуманини тайёрлаш ва ўтказиш учун ҳар қандай ҳамжиҳатликка тайёр эканини билдирди.

Тошкент конференциясининг очилишига салкам икки ой вақт қолди. Аммо ҳозирда оқ унга тайёргарлик халқаро ҳаётнинг муҳим ижобий омилга айланмоқда, глобал хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

О. ШАТУНОВСКИЙ,
«Жаҳон» Ахборот агентлиги шарҳловчиси.

ДЕНОВНИНГ 23 МИНГ ТОННА ҒАЛЛАСИ

Сурхондарё вилоятининг Денов тумани ғаллакорлари 23 миң тонна ғалла тайёрлаб, йиллик шартномани бажардилар. Ҳосилдорлик 40 центнерга етди. Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев раислик қилаётган генерал Собир Раҳимов

номли жамоа ҳўжалигидики эса бу кўрсаткич 50 центнердан ошди. Туман ғаллакорлари яна миң тонна бўғдой тайёрлашга аҳд қилдилар.

Тождидан РАЗЗОҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Болалигимда бир эртақ эшитганман. Гўзал маликани севиб қолган овчи йигитга подшо оғир шарт қўяди: «... Етти йил пийда йўл юриб, етти чакмонку советни тўздириб, етти тоғдан ошиб ўтганинда, рўпаранда гузир бир бог пайдо бўлади. Уша богда Хумо қуши яшайди. Сен шу сеҳрли қўшнинг бир дона патидан олиб келсан...» Баҳодир ўғлон изан сўраб, машаққатли йўлга отланади...

Хумо бизнинг гўдак тасавурида эа шундай эртақлар орқали кириб келган. Биз шу афсонавий қўшга ҳавас қилиб, унга меҳр қўйиб улгайганмиз. Озод юртимиз гербида ҳам Хумо қўшининг тасвири акс этган. Назаримда, у бизни олис ўтмиш илдизлари билан боғлаб тургандай. Гербимизга қараб турсам, юрагим ҳаяжондан гулурди. Қаранг, унда акс этган Қўш -- юртимиз тисмоли, нурулари яшил Оша-заминга сочлмоқда. Сув эса тупроғимиз бағрида эркаланиб оқаётди. Гўёки у инсониятга абадийлик шарафини ваъда этгандай туюлади. Пахта ва дон -- миллий бойлигимиз, ризқ-ғўзимиз, Аллоҳнинг бизга инъонат ажойиб неъматиди. Ушмоқда шайлашиб турган Хумо қуши эса қалбимизга жасорат ва шижоат туйғусини олиб киради! Бу тасвирлар Ўзбекистон деган иссиқ сўзни кўзларимизга муҳрайдил, сўнг шу сўзининг тафти юракларимизга оқиб кириб, вужудимизни забт этади...

ларнинг муътабар давраларида янграйдиган бўлди. Халқимиз халқ бўлиб, ўз миллий гурурини англаб етди. Минг-миң йиллар давомида ривож топган, шакланган ахлоқий анъ-

МИЛЛАТИМИЗ ҒУРУРИ

Республика Давлат Герби ҳақидаги Қонун тасдиқланганига беш йил тўлди

аналар, қадриятлар, урф-одатлар ва удулларимиз қайта кашф этилди. Миллий, маънавий меросимиз тантанаси ҳаётбахш қудратини намён этиб, онгу шууримизга келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсофу диёнат, адолат ва маърифат туйғуларини сингдираётди. Биз кўнба-кўн ўзимизни англаб, ўзлигимизни кашф этиб ашияпмиз. Олдинда эса истиқболли, ёруғ кунлар бор.

турли жойларда бўлиб, элими равнақи учун қўшаётган оламшумул ҳиссасини ва ҳар бир тонгимизда юз бераётган улкан ўзгаришларни муқамал билмоқда, магзини чақмоққа уринадилари завол топмаган миллат униб-ўсган ва улғулик шох-супасидан жой олган. Улагитини қайта англаётган миллатимиз тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалар экан, биз Ибн Сино, Фаробий, Улугбек, Беруний ва Навоийдек таваққур султонларни, Амир Темурдек буюк шахсининг авлодлари бўлганлигимиз билан фахрланамиз. Уларнинг бизга қолдирган ноёб дурдоналари, фикрий чаманлари, аслрлар оша бизга етиб келган бош маънавий меросини ҳаммиша эъзоз-

нинг истиқболли бандан, пешонаси ярқирокдир. Бу юртини билмаган, бу халқни танимаган, бу диёр заҳмат-кашларининг меҳнатидан баҳраманд бўлмаган бирор миллат ё элат топилмас керак. Бизнинг пахтамайдан тайёрланган матоларни жамласак, бутун ер кура-сига белбоғ бўлади. Демакки, ер юзидики ўзбек деган миллат борлигини билмаган эса-да, унинг пахтамайдан либос кийиб олган кишилар дунёнинг турли буржакларида учратмоғимиз табиий. Шу ўринда Тошкент кинофестивалига ташриф бурюган америкалик киноартист Патрик Килпатри-нинг уша кунлари телевидение орқали берган интэрвьюсини эслаймиз. Айтишича, у ўзбеклар ҳақида илгарича ҳеч эшитмаган экан. Фестивалда келишини билган, ўлкамиз ҳақида анчамунча маълумотлар тўплайди. Мана шу киноактёрнинг Самарқанд сафаридики атлас кўйлакли қизлар билан уйинга тушганини кўриб яйраб кетдим. Уша лаҳзадақ Ўзбекистонни севиб қолган кишилар сафи яна биттага ортангани фахрландим...

Гулчехра ЖАМИЛОВА.

• ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР -- КЕЛАЖАГИМИЗ

1. МЎЛЖАЛИМИЗ ЮКСАК

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 10 мартдаги «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш тўғрисида»ги фармойишида «Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маънавий эҳтиёжига мос келадиган, юксак малакали хорижий мутахассислар билан рақобат қила оладиган кадрлар салоҳиятини юзасига чикариш ва уни ривожлантириш» назарда тутилиши алоҳида белгилаб қўйилган.

Агар инсоният тараққийоти кўз олдимизга келтирадиган бўлса, ривожланиш босқичларида худди иш қуроллари ёки ишлаб чиқариш муносабатлари ўзгариб турганидек, касблар ҳам янгилашиб, эскилари истеъмолдан чиқиб турган. Дейлик, бир вақтлар мешкоблик ёки туя етакловчилик жуда кадрланган бўлса, бугунги авлод бундай машғулотларни тасаввур ҳам қила олмайдди. Эски бундан 30 йил олдин Тошкентда ер ости йўли -- метрополитен қурилиши кўпга янги касб ва хунарлар бўлишини тақозо этди. Айни пайтда бозор иқтисодиёти шарт-шароитлари мутахассислар рўйхатида жиддий тузатишлар киритди. Бу масаланинг бир томони бўлса, иккинчи жиғати шундаки, юртимиз барча баҳаларда энг тараққий этган мамлакатлар мезонига интиломда. Юртбошимиз қайта-қайта таъкидлаганларидек, бизга қайсидир мамлакатнинг маънавий эскиргани ёки ўз ўрнини замонавий дастохларга бўшашиб бериб, ортқича бўлиб қолган техника-технологияси керак эмас. Ўзбекистон ўзига хос, ўзига мос йўлдан бориб, ишлаб чиқаришда энг илгор фан ва техника янгиликларини қўллашди. Ва шундай бўлаётган ҳам. Асака автомобиль заводи ёки вилоят марказларида ташкил этилган тўқимачилик комбинатлари энг сўнгги русумдаги дастохлар билан жиҳозланган. Табиийки, бу жараён давом этади ва ўз-ўзидан жиддий масалаларни кўндалаган қўяди.

Гап эртанги кун эгалари -- ёш кадрларни тайёрлаш ҳақида кетар экан, икки жиҳат эътиборга молик. Аввало, юксак мутахассисликлар пайдо бўлди. Эндилкида турли рангдаги дипломатлар халқаро ҳуқуқшунослардан тортиб дилер, менежер сингари юзлаб касб кишилари ижтимоий ҳаётга фаол аралашиб кетди... Сўнгра эса юксак тараққий этган иқтисодиёт масканига кириб бориш ишбу шарафада ташкил этишни, демак, шунга муносиб кадрлар бўлишини тақозо этмоқда.

Шу мулоҳазаларни қайд эта туриб, бир воқеа ёдимга тушди. Чет эл билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхонадаги электрон дастохлардан бири «инжиклик» қилиб қолади. Унинг «тилни тушунадиган» устаниси эса хориждан чақириш мумкин эди. Шундай ҳам бўлади. Икки ёш йигит ташриф буюриб, бамайхотир ишни эплайди. Кофе ичиб, сигарет тутатганча у-бу муравватлари бурдайди. Бунга кўпи билан 1,5-2 соат вақт кетади. Шу хизмати учун 2 кунга келган йигитларга нақд 20 минг доллар ҳал туланади. Шу кичкина мисолнинг ўзи бу борадаги манзарани аниқ кўрсатиб турган экан, энди юртимизда ана шу йўналишда қилинаётган ва қилиниши керак бўлган юмушлар ҳусусида фикр юри тайлик.

2. КИЧКИНТОЙНИНГ КАТТА ТАШВИШИ

Ҳеч бир одам онандан моҳир эса ёки етук мутахассис бўлиб туғилмади. Бундай фахрлар ижтимоий муҳит таъсирида шаклланади. Яна бир аниқ ҳақиқат -- инсон эоти табиятан нақадар истеъдодли бўлиб дунёга келинган, унинг бу қобилияти мўътадил шароитда камолга етмаса, истеъдод юзасига чикамай, бардод бўлиб қолаверади. Кечаги мустамаклар кунларидаги муносабат эса ҳаммамизга аён: йигитларимизни ҳарбий хизматда қурилиш батальонидан бошқача ярамайди, деб топилганди. Демак, бизга иккинчи, учинчи даражадаги мутахассисликлар ўргатилган, энг замонавий, истиқболли соҳаларнинг эшигига ҳам йўлатмаган, ҳатто бундай касблар борлигини билмай юра-верганми.

Ёш кадрларни касбга тайёрлаш усулини олиб қўрайлик. Бу ёндашув ҳам ўша «келювчи, камситувчи» мақсадга хизмат қилган. Бир вақтлар мактабларда болани 2-синфдан касбга тайёрлаш керак, деган талаблар бўлганди. Кейин бу мурдат борчага қўйилди (ҳайрият, тургилмасдан касб танлаш жорий бўлишига улгурилмади). Афсуски, ҳозир ҳам кўпга муассасаларда шундай талаб билан ёндашилляпти. Аслида, мутахассислар, ота-оналар шу ҳусусида -- болани неча ёшдан касбга йўналтириш ҳақида жиддий ўйлаб қўришлар лозим. Борча ёки 2-синфда тарбияланаётган кичкинтойнинг, аввало, касблар тўғрисидаги тасаввур тўла шаклланган бўлмайди. Қолаверса, ҳали табиий қобилияти ҳам бутунлай юзасига чикамаган. Майли, у ўзаро мулоқотларда ўз орзусини эркин баён этаверсин, ҳар кун бир соҳанинг эгаси бўлаверсин, гап бу ўринда бошқа ёқда: дунёвий тасаввурлари энди уйғонаётган мурғак қалбларда келажак аъмоли ҳақида неча ёшдан жиддий таъсир кўрсатгани маъқул, яъни унинг тоза умр дафтарига энг мақбул касбни қачон ёзиб қўйиш мақсадга мувофиқлиги устида кетмоқда. «Жиддий таъсир» деганда, педагоглар, ота-оналар ва жамоатчилик таъсирида боланик ҳаётларини тинлаштириб, минглаб касблар ичидан фақат биттасини танлаш, охириги тўхтамга келиш ва бутун қобилиятини шу соҳага йўналтириши бошланиш кўзда тутилмоқда.

Дунёнинг қатор мамлакатларида бу борада ўзига хос тажриба шаклланган. Германияда бўлиб, ёшларни касбга тайёрлаш юмушлари билан танишиб келганларнинг ҳикоя қилишича, бу ерда доимий фаолият кўрсатуви, алоҳида вақалатга эга «Касбга йўллаш» марказлари ишлаб турар экан. Мамлакатда жорий қилинган тартибларга мувофиқ, ўқувчилар 6-синфдан шу марказларга жалб қилинади. Тажрибали педагоглар, психологлар, турли мутахассислар болалар билан батафсил иш олиб боришади. Тайёрлаш ичили, босқичма-босқич амалга оширилади. Масалан, биринчи сўхбатда касблар ҳақида маълумот берилиб, болалар қизиқishi аниқланади. Кейинги сафар ўша худуддаги ишлаб чиқариш корхоналари қандай касбларга эҳтиёж борлиги ҳақида тушунча берилади. Хуллас, бўлажак касб эгаси 3-4 йил мобайнида аста-секин шу соҳага руҳан тайёрланади боради.

Бизда жорий этилган амалдаги тартибларнинг ҳозирги замон талабларига жавоб бермаслигини таъкидлаган ҳолда, бу йўналиш -- ёшларни касбга тайёрлаш борасида бутунлай янги тизим жорий этиш лозимлигини қайд этиб ўтмоқчимиз. Зеро, илмий хулосаларнинг кўрсатишича, мутахассиснинг табиий имкониятлари муваффақиятнинг энг муҳими, ҳатто ҳал қилувчи омил бўлиб қолган. Одам ўз устиди ишлаш, изланиш тўғрисида касб сингари 60 -- 70 фоиз ўзаштирса, тумга қобилияти билангина соҳани тўла биллиб олар экан. Қолаверса, биз бу ўринда илмий хулосаларни, жўн қилиб айтганда, китобий гапларни баён этиб ўтирибмиз. Ҳаётда эса, «уйдаги гап қўчага тўғри келмайдиган» ҳоллар мавжуд. Ўн йил «ўқитувчи бўламан» деб ишонлар ёзиб, шу мавзудаги китобларни ўқиб юрган бола интилутига ҳужжат топширишга бир кун қолганда «иқтисодиёт» бўлиб қолади. У ота-она таъзияки остида беш йил ўқийди ҳам. Ҳўп, унинг тақдирини битиргандан сўнг нима бўлади?

3. БИРОВНИНГ ЎРНИДАГИ ОДАМ

Албатта, бундай ҳоллар жамиятга наф келтирмайди. Шунингдек, унинг зарари ҳам ҳисоблаб чиқилмаган. Фақат

биз айрим арифметик рақамларга эгамиз. Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигиндан берилган маълумотномада қайд этилишича, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 20 июлдаги фармойишига биноан, бир талаба ўқувчининг йиллик тўла ҳаражати таълим йўналишларида мувофиқ 42 мингдан 55 минг сўмгача, деб белгиланган. Майли, бу рақамларни 5-6 га кўпайтирайлик-да, шу йиллардаги кийинчиликлар, истиробрларни ҳисобга қўшмай, натижани дипломли мутахассиснинг шу касбда бир кун ҳам ишламагани билан тарози палласига қўрайлик. Афсуски, ҳамма нарсани рақамларда ифодалаб бўлмаганидек, тарозиде тортиб ҳам бўлмайди. Бир ватандош сифатида эса олий маълумотли ёш ходимнинг бошқа соҳада иш топа олмаи, овора бўлиб юргани ва ниҳоят, унинг издан чиққан ҳаёти ҳар биримизни безовта қилиши керак. Нафисларини айтаганда, бундай ҳодисалар камб эмас. Бу -- ҳавога совурилган халқимизнинг бойлиги, қолаверса, миллатимиз қиёфасидаги ғубор. Ахир келажакнинг мухташам қасрини ҳамма ўз ўрнида фидойилик билан меҳнат қилгандагина бунёд этишимиз мумкинлиги қайта-қайта таъкидланаяпти-ку! Мабодо бугун дипломли педагог мактабга олиб борадиган йўлни четлаб ўтиб, «Отчолар»га ўй буратган экан, бундан афсусланиш, қаттиқ афсусланиш керак.

Шубҳасиз, бундай ҳолларни туғдирган сабаблар кўп. Шулардан бири ҳақида давлатимиз раҳбари кадрлар тайёрлаш

1996 йил Ҳақим Сатторий ҳаётинда муҳим из қолдириди. Италоқнинг «Амр Темур севган юрт» китоби «Ўзбекистон» нашриятга чоп этилди, унинг сценарийси асосида «Амр Темур» телефильми ишланди. «Халқ Сўзи» газетаси саҳифаларида эълон қилинган тўқум мақолалари учун эса «Пилнинг энг яхши юрналисти» республика таълим вақлининг раҳбари, деб топилди. Қўлга унинг дозарб мавзудаги мақолалардан бири билан танишасиз.

ДУНЁ МЕЗОНЛАРИНИ БЎЙЛАБ

бўйча миллий Дастурни тузиш комиссиясининг йиғилишида тўхталиб, «Илгари ёшлар, айниқса, уларнинг ота-оналари онгиди шундай тушулча ҳўжумор эди: кимки олий ўқув юртидан битирса, нони бутун бўлади, ҳаётда ўз ўрнини топади. Бир кун келиб раҳбарлик лавозимини эгаллайди. Бошқача қилиб айтганда, институт ёки университетда обрў учун, келажакда қандайдир қафолатга эга бўлиш учун ўқиларди», деб таъкидлади. Албатта, бозор иқтисодиёти билан боғлиқ муносабатлар бундай ҳолларни ҳам тартибга солади. Балки бўлажак мутахассисга ўзига хос мажбуриятлар юклайдиган ҳуқуқий ҳужжатлар яратилар, эртанги куннинг вазифаларидан бири эса, ўша йиғилишда таъкидланганидек, «Биз билмининг, мутахассислик шаҳодатномасининг нуфузини кўтаришимиз, ҳаммага бир хил эмас, балки билминга қараб турли даражадаги дипломлар беришни жорий этишимиз зарурдир». Шубҳасиз, бундай муносабат жўхон андрзалари талаблари даражасида кадрлар тайёрлашнинг қафолатларидан бўлади.

4. ДИПЛОМНИНГ «ЮКИ»

Ҳозирча мутахассис тайёрлаш давлат буюртмаси асосида амалга ошириб келинган. Ўз-ўзидан кўриниб қоладики, «Давлат буюртмаси» деган ҳужжат бу соҳага сарфланадиган миллиард сумларнинг нишонини тўғрилай қўяди. Бундан ташқари, шу асосда эртанги куннинг ижтимоий қиёфаси шаклланади: биз келажакда пахтакорлар мамлакатиде яшайми эми кончилар ёхуд ҳуқуқшунослар -- бу масала бугун тузилганидан буюртмадаги рақамлар орқали ҳал бўлади. Демак, масаланинг нақадар жиддийлиги аниқ. Биз ана шу муҳим омилга қанчалик эътибор берилгани билан қизиқдик. Турли вазирликлар, бошқармаларга қилган муурожаотларимиздан натижа чиқмади, билдикки, бу борада изчиллик йўқ, маъсулият унутилган. Шунда олий ўқув юртига қабул қилинувчилар сони турли баҳоналар (масалан, «шартнома асосида» деган вақ) билан ўзгариб туришининг сабабини тушунагандек бўлдик (Эътиборингиз учун, ўтган йили қабул қилинган 29862 талабадан 8143 нафари тўлов-шартнома асосида олинган). Эки баъзи мутахассисликлар бўйича бир ўринга 2-3, айрим факультетларга (масалан, ҳуқуқшунослик) 25-30 ариза тушушини қандай изохлаш мумкин? Менимча, ҳар икки ҳолда ҳам кимларнингдир айби бор: ё талабар нотўғри белгиланган, ё касбга тайёрлаш кондиксиз аҳволда.

«Бирор муассасида жамият учун қайси мутахассисликдан қанча кераклики ўрганиладими ўзи?» деган саволимизга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигиндан шундай жавоб қайтарилди:

«Мутахассислар тайёрлашда кўп босқичли тизимга ўтиш муносабати билан 1994 йилда олий касбий таълимнинг йўналиши ва мутахассисликлар классификатори тасдиқланди. Классификатор маҳаллий ва хорижий давлатлар таърибаси, республиканинг иқтисодий, маданий, таълимий ривожланиш ҳусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда тузилган.

Классификаторда табиий-илмий, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий, техник, тиббий, қишлоқ ҳужалиги ва бошқа билмин соҳаларини қамраб олган 103 йўналиш ва қарийб 600 мутахассислик мавжуд.

Классификаторда ҳозирги кунда кадрлар тайёрланаётган таълим йўналишлари (мутахассисликлар) ҳам жой эгалларан, аммо улар бўйича талабнома тушган пайтда кадрлар тайёрлашга ўтиш мумкин.

Бугунги кунда амалдаги классификаторларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш зарурияти мавжуд. Олий таълим вазирлиги томонидан янги (қўшимча киритилган) классификаторнинг лойихаси тайёрланмоқда ва унда вазирликлар, идоралар, ўқув юртилари ва илмий-услувий бирлашмаларнинг асосланган тақлифлари инобатга олинган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш янги мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш зарурияти мавжудлигини кўрсатди. Халқаро журналистика, халқаро туризм, халқаро муносабатлар, гидроэнергетика, геодезия, картография, кадастр, ташқи иқтисодий муносабатлар, биологик реконструкция қилиш ва таъмирлаш, ҳуқуқшунос-педагог каби 15 дан ортиқ мутахассисликлар очилди».

Демак, бу йўналишдаги ишлар ҳам тақомиллаштириш босқичида. Аслида, талаба қабул қилиш масаланинг бир томони. Асосийси эса (жамият учун энг кераги ҳам), дипломли мутахассиснинг ўз соҳасида ишлаш-ишлалмаслигида. Худди шу ўринда жиддий муаммолар мавжудлиги ҳаммага аён. Табиий савол туғилади: қўш, дипломли мутахассиснинг тақдирини билан бирор муассаса қизикадими? Бу саволга жуъли жавоб топа оламдик.

Агар битирувчиларнинг мутахассислик бўйича ишлашлари олий ўқув юртилари томонидан назорат этилади, десак, бу билан ўқув юртига ўзининг асосий вазифасидан ташқари оғир масъулият юклаб қўйилмайдими? Ахир ўқув юртининг ҳодимлар ва техник имкониятлари бутун мамлакат бўйлаб тарқаб кетган минглаб битирувчилар ҳаётдан бохабар бўлиб туришга етмайди-ку! Ижтимоий сийбатини амалга ошириш,

жумладан, меҳнат шароитларини яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида тузилган Меҳнат вазирлигида эса бундай юмуш билан деярли шуғулланишмас экан. Вазирликда маълумотлар ҳам умумий тарзда ҳамланар экан (масалан, 1 июнгача 42395 бўш ўрин бор, шундан 32261 нафари -- ишчилар каби). Ҳолбуки, касблар бўйича ҳаражатларни ўрганиш жиддий хулосалар чиқаришга олиб келади. Шу орқали баъзи соҳалардаги меҳнат шароитларини яхшилаш юзасидан чоралар қўриш мумкин бўлади ёки янги кадрлар тайёрлашни мувофиқлаштириш осон кечади. Қўшимча талабларнинг жорий этилиши эса диплом эгасининг масъулиятини оширади. Шунда у давлат шаҳодатномасини четга иргитиб, боши оққан томонга кетмайдиган бўлади.

5. ҚЎЛИ -- ГУЛ, ҚАДАМИ -- ФАЙЗЛИ

Гап олий ўқув юртини битирган мутахассиснинг касб малакаси ҳақида кетар экан, бирор ихтисосликни эгаллаш учун маълум вақт керак бўлиши табиий ҳол эканлигини эътироф этиш лозим. Бироқ шундай тумга қобилият эгалари бўладики, эсини танганидан бошлаб бирор хўнарнинг бошини тутайди, шу соҳанинг шайдосига айланади.

Бундай кишиларни «қўли гул» деб эъозлашади. Фикр йўналиши ўз-ўзидан миллий-анъанавий хўнармандчилик ҳақида кетаяпти. Энди хўшёрлашган зехн билан мушоҳада қилиб қўрилса, дунёни лол қолдириб келган санъат ворислари -- ганчорлик, нақшошлик, ўймакорлик, дурадгорлик каби хўнарлар ҳам мустабилдик замониде қататон қилинган экан. Мустақиллик йилларида жамол кўрсатган миллий рўҳдаги иморатларни қўриб, гурут қўтисидек бетон уйларида яшаб ўтганлар «Бор экан-ку, руҳиятимизга мос қўрилиш усуллари» дея ҳайратланишлари бежиз эмас. Демак, ҳам миллий, ҳам замонавий бўлган бундай касбларнинг ўрганиш, тарғиб қилиш юзасидан гаумҳўрлик кўрсатиш ҳам келажакнинг дозарб юмушларидан ҳисобланади.

Тошкент шаҳрида 1967 йилдан буюн фаолият кўрсатиб келаётган А. Ҳўжаев номли республика миллий хўнар лицейининг нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Аввало, билим ва хўнар масканида ишларнинг намунали ташкил этилгани, қолаверса, миллий касбларга эҳтиёжнинг ошганилиги бу ерга кўпгад ишларни етаклаб келмоқда. «Дастлаб таълим мактабларида яхши ўқий олмаган болалар бизга келарди, энди эса талов асосида қабул қилиямиз», дейди директор Шоносир Муродов. Бундай билим юртилари ҳар бир вилоят марказида ташкил этилган, қизиги шундаки, ҳаммаси харидорғир касбларга ихтисослашган, шу тўғрисида хоҳловчилар етарли.

Айни пайтда Халқ таълими вазирлиги тасаруфиде 443 та касб-хўнар таълими ўқув юртилари мавжуд. Улар касб-хўнар мактаби, касб-хўнар лицейи, бизнес мактаби кўринишларида фаолият юритмоқда. Уқиш мурдатти 1 йилдан 3 йилгача. Таълимнинг бундай кўриниши шўро даврида хўнар-техника билим юрти, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари, ўрта умумтаълим политехника мактаби сингари минг оҳангга солиниди-ю, биринчисидама қўрилган натижаларга эришилмади. Бунинг сабаблари таҳлил қилинса, қўпична тизимнинг ўзи миллий, маҳаллий шароитлар ҳисобга олинмай жорий қилингани кўзга ташланади. Бу табиий эди, чунки узоқдаги марказ чекка бир қишлоқнинг ҳусусияти билан асло ҳисоблашиб ўтирмасди. Асосий сабаблардан бири эса, бундай олохотларнинг моддий ва маънавий таъминланмагани эди. Бўлажак механизатор машина қисмларини суратлардан ўрганар ёки унга ўзи рўлда ўтириб ҳам қўрмаган муаллим дарс беради. Шунингдек, бундай таълимнинг мақсади аниқ эмас эди. Чекка юйларида жуда ҳам эҳтиёж сезилмадиган ёки шароити таъминланмаган касблар ўргатиларди. 30-40 нафар қиз бола машинкада ёзув курсида ўқитиларди, ҳолбуки, бу ерда бирорта ҳам машинистка-котигажа зарурат сезилмасди.

Маълумки, таълим тизимининг янгича ташкил этиш дастурида тўққиз йиллик мажбурий ва уч йиллик ихтисослашган ўқитишни жорий этиш кўзда тутилган. Уч йиллик таълим эш учун янглик, у ҳозирги ўрта мактаб, билим юртилари ва техникумлардан кескин фарқ қилади. Бу ерда ёшлар бозор муносабатлари шароитида ишлаб оладиган, рақобатга бардош берадиган касб ва хўнар эгалари бўлиб етишади. Ана шундай салмоқли вазифани амалга оширишда олдинги йилларда йўл қўйилган камчиликлардан зарур хулосалар чиқариб олинади.


6. КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ ИМТИҲОН

Юкори малакали замонавий кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор берилмоқда. Юртбошимиз бу масалада ҳеч нарсани аялмаслигини қайта-қайта тақорроляптаилар. Энди мустақил Ўзбекистон фарзандларига дунёнинг энг йирик ўқув юртилари эшикларини очилди. Жуда зарур мутахассисликлар бўйича жаҳондаги машҳур дорилфунунларга Президент грантлари эълон қилинганда, қалбларини ифтихорга тўлди, юзимизни истиклол шамоли силаб ўтгандек бўлди. Қолаверса, бундай марҳамат ағона эмас. Истеъдодли ёшларни кўллаб-қувватлаш мақсадида «Умид» жамғармаси тузилди. Мирзо Улўғбек номидеги жамғарма ҳам энг муносиб келажакимиз ворисларини рағбатлантириб туради. Олий ўқув юртиларнинг иқтисодий талаблари ва тадқиқотчилари учун Президент стипендиялари жорий этилган. Ҳар йили мактаб ўқувчиларидан «ТАСИС» дастури орқали чет эларда ўқиш ва яшаш ташкил қилинган. Олий ўқув юртиларнинг талаблари хорижда ўз салоҳиятларини харчлаб келмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси юртимизнинг буюк келажакни таъминлаш йўлидаги хайрли тадбирлардир. Бундай раҳномаликдан бошимиз кўкка етгани ҳолда, бир андишамизни ўзим эйтишга журбат қиламиз. Тўғри, эзгу ишлар амалга ошириляпти, бироқ улардан жамоатчилик жуда кам хабардор қилинаётти-ку! Қолаверса, чет эларга бориб ўқиш шарафига номзодлар қандай йўллар билан танланаётти? Яна бу борада йиллар оша обғимизга кишан бўлиб келаётган, бизни дунё тараққийотининг юксак нуқталаридан маҳрум қилган тор манфаатлар доирасида ўралашиб қолиш -- маҳаллийчилик, ошна-оғайинчилик панд бермаяптими? Бугунги кунда Ўзбекистонимизнинг келажак йўлида оддий деҳқон ҳам, эиёли ҳам, давлат хизматчиси ҳам барабар фидойилик кўрсатапти, демак, унинг эртанги куниндан ҳамма барабар манфаатдор. Шундай экан, юртимизнинг дунё ҳамжамияти сари йўлини барча қизикиб қўзатиб турибди ва бу масалада ўз тасаввурини, нуқтани назар бор. Ана шундай шароитда узоқни кўзлаб қилинаётган ишлар ошкоралик, ҳалоллик таомийларида амалга оширилиши лозим. Негаки, Ватан манфаати ҳамма нарсадан устувор. Дейлик, Президент грантлари билан хорижга йўл олган ёшлар рўйхати матбуотда эълон қилинса, жамоатчилик уларнинг яшаб жойи, ота-онасини билмиб қўйса, катта тарбиявий аҳамият касб этади. Ахир, деҳқоннинг хатосини келаси йили тузатиш мумкин. Кўрувчи ҳато қилса, бинони бузиб ташлаш билан унга чек қўйилади. Халқ, мамлакат тақдирини билан боғлиқ хатоларни эса тузатиш қийин.

Масалага ана шундай жиддий муносабатда бўлишни бугунги кун ҳажжонлари, келажак масъулияти кўндалан қилиб қўяётир.


ҲАҚИМ САТТОРИЙ.

• ТАРАДДУД



«Қорақалпоқтран» бирлашмасининг ташкил топганига бу йил 60 йил тўлайди. Жамоа аъзолари юбилейни муносиб кўриб олиш учун алоҳида таъйёрларлик кўрмоқдалар. СУРАТЛАРДА: чилангар Оралбой Раџетов ва уста Ислом Қўлимбетов; устахона мудири Фаъзулла Шомуротов иш устиде.

А. МУРОТОВ (ЎЗА) олган суратлар.



• «ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ: ТАРТИБ-ҚОНДА ҲАММА УЧУН БИР»

(«Халқ сўзи», 1997 йил 26 апрель)

Кейинги пайтда Наманган шаҳри кўчаларида транспорт воситалари сони кескин кўпайди. Турли йўналишлар бўйлаб нафақат автобус ва таксилар, балки шахсий машиналар ҳам хизмат кўрсатмоқда. Бошқача айтганда, транспорт тизимида рақобат пайдо бўлди. Бундан, албатта, аҳоли манфаатдор. Газетамизда босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада ана шу дозарб мавзу қаламга олинган эди. Унда Наманган шаҳрида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш соҳасида амалга ошириляётган ибратли ишлар қаторида бу борада йўл қўйилган камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилган. Ҳусусан, шаҳардаги турли ташкилот ва идораларга қарашли баъзи автобус ҳайдовчилари «кирақашлик» қилиб, фақат қўнганни қапайтираётганилиги, масъул раҳбарлар эса бу ишга пайжа орасида қараётганилиги қуюнчанлик билан қайд қилинганди.

Ушбу мақола юзасидан Наманган шаҳар ҳокимлигидан қўйидаги жавоб олинди:

«Транспорт хизмати: тартиб-қонда ҳамма учун бир» сарлавҳали мақола шаҳар ҳокимлигида тегишли соҳа раҳбарлари ва мутахассислари иштирокида муҳокама қилинди. Унда тилга олинган нуқсон ва камчиликлар тўғри, деб топилди.

Аҳолининг ҳақли эътирозларини инобатга олиб, шаҳарда жамоат транспорти ишнин янада яхшилаш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди. Шаҳар ички ишлар бўлими давлат автонозирати бўлимига, солиқ инспекцияси ҳамда «Намангантранс» бирлашмаси раҳбарлари зиммасига шахсий транспорт эгалари ишнин жиддий назоратта олиш вазифаси тоширилди. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ташкилотларга қарашли автоомобилларнинг техник қўриқни ўтказиш ишн тудбан яхшиланиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

«Соҳид» шўбхекатидан туманларга қатнайидган автобусларнинг йўналишларига тўла қизиқини таъминлаш масъулияти эса 11 ва 17-автосарой ҳисдорлик жамиятлари ранслари зиммасига юклатилди.

Аҳолига жамоат транспорти хизмати кўрсатишини яхшилаш вазифаси шаҳар ҳокимлигининг доимий диққат марказида турибди.

М. ТОҶИБОВ,
Наманган шаҳар ҳокими.

«СОҚОЛГА ОҚ ТУШГАН МОЖАР»

(«Халқ сўзи», 1997 йил 26 апрель)

«Андижон-Наманган» катта йўлининг кенгайиши тўғрисида бундан бурунги бир қисми бузиб ташланганига роппа-роса йитирма тўрт йил бўлди. «Сизларни ноумид қўймаймиз, товон пули тўлаймиз», дея ваъдалар қилинганида, Мамадали ота меҳнат қилиб толиқмайдиган ёшда эди. Лекин у ўзига тегишли пулни оломай, дунёдан кўз юмди. Ворис ўғил эса иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қолди. Қоп-қора сочларига қиров қўнди. Ҳар қандай кишини ўйга толдирувчи, истиробиға солувчи шундай жумалар билан бошланган мажкур мақолада Мамажон Мамадалиевнинг тақдирини ҳақида сўз юритилганди.

Ушбу мақола юзасидан Андижон вилоят прокуратурасидан қўйидаги жавоб олинди:

«Андижон вилоят прокуратураси маълум қиладикки, «Халқ сўзи» газ



Табриқор бўлишнинг шартлари

МАРКЕТИНГ ХИЗМАТИ НЕГА КЕРАК?

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида тақлиф ва талабни мувофиқлаштириш масаласи халқ килувчи аҳамияти касб этди. Негаки, тақлиф талабдан юқори бўлса, нарх пасая бошлайди, акси бўлса -- кўтарилади. Ички бозордаги тақлиф ва талабни мувозанатга келтириш учун мамлакатимизда йилгига 7-7.5 млн. тонна галла, 1.5 млн. тонна гуруч, 1.5 млн. тонна картошка, 3.5 млн. тоннадан зиёд сабзавот, 1 млн.

ҚАРШИДА ЯНГИ ЗАВОД ҚУРИЛАДИ

Қашқадарёда вилонг ҳокимлиги билан Италиянинг «Сайко» компанияси ўртасида индустрион эритмалар ва гипроксикопик пахта ишлаб чиқарувчи завод қурилиши тўғрисидаги шартнома имзоланди. Қуввати жиҳатидан МДХ давлатлари ичида ягона бўлган ушбу корхона тўла қувват билан ишга тушган, тиббиётда ишлатилган тоза пахта, бошқа дори-дармонларни четдан келтиришга барҳам берилди. Имзоланган шартномага мувофиқ, қурилиш ишларини «Сайко» компанияси ўз зиммасига олган. Завод 1998 йилда дастлабки маҳсулотларини истеъмолчиларга etkazиб бера бошлайди.

А. ТАЙПАТОВ, ЎЗА мухбири.

• ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ ЧАРМ ЧЕТДАН КЕЛТИРИЛМАЙДИ

Жанубий Корея чарм саноатининг бир гуруҳ мутахассислари Қўқон шаҳридаги «Кунчи» пайчилик жамияти фаолияти билан атрофлича танишиб, бу ерда «Пан-а-чарм ЛТД» қўшма корхонасини бунёд этиш ҳақида шартнома имзоланган эди. Бир сўзи шериклар унинг шартларини дарҳол бажаришга киришдилар: қўшма корхона ҳисобига маблағ ўтказилди, маблакали технологлар, мутахассислар ҳамкорлигида зарур кимёвий ашёлар, асбоб-ускуналар келтирилди. Янги корхонанинг дастлабки маҳсулоти -- ошланган йирик қорамол териси пойабзалчиларга жуда маъқул келди. Хусусан, Фарғонадаги «Узсаламан» қўшма корхонаси ҳам буюртма берди. Корхона тўла қувват билан ишга тушса, Германиядан хомашё олиб келишга ҳоҳат қолмайди. Чунки у ойнага жаҳон андозларига мос 1 миллион десиметр чарм тайёрлаш қувватига эга.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

«ВАТАНПАРВАР»:

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Мудофаага кўмаклашиш ташкилоти -- «Ватанпарвар» Марказий Кенгаши раёсатининг мажлиси бўлди. Уни Марказий Кенгаш раиси, генерал-майор Д. Шохмардонов бошқарди.

Мажлисда 1996-97 ўқув йилининг биринчи босқичида мамлакатда техник мутахассислар тайёрлаш яқунлари ва таълимнинг иккинчи босқичи вазибалари кўриб чиқилди. Республика мудофаасига кўмаклашувчи ташкилот муассасаларида ўқув йилининг биринчи босқичида ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлаш ишлари муваффақиятли ўтказилгани қайд этилди. Олдинги ўқув йилига нисбатан тайёрланган ҳарбий-техник мутахассислар сони деярли бир ярим баравар кўпайди, мактабларга армияга қақирилувчиларни қабул қилиш бирмунча яхшиланди, кўпчилик ташкилотларда машгулотлар ўз вақтида бошланиб, белгиланган муддатда ўтказил-

ди. Айни пайтда бу муҳим ишдаги жиддий камчиликларга, ҳал этилмаган баъзи муаммоларга эътибор қаратилди, нуқсонларни тўлатиш, ишларни яхшилаш юзасидан аниқ тақлифлар баён қилинди.

Мажлисда Қашқадарё вилояти мудофаага кўмаклашиш жамияти кенгашига қарашли ташкилотларни ҳар томонлама текшириш яқунлари ҳам кўриб чиқилди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Т. БОТИРБЕКОВ, ЎЗА мухбири.



Самарқанд тумани галлазорларида деҳқоннинг машаққатли меҳнати эвазига етиштирилган ҳосил тез саранжомлаб олинмоқда. Ҳозиргача ҳосилдорлик гектарига 40-45 центнери ташиқ этмоқда.

СУРАТЛАРДА: «Зарафшон» жамоат ҳўжалигининг ёш механизатори Фахриддин Азизов; ўрим пешқадими Рустам Юсупов.

Т. НОРҚУЛОВ олган суратлар.

21013 UMFS чиқарилишини қошлаш ва 21016 UMFS чиқарилишини жойлаштириш яқунлари бўйича ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ РАСМИЙ ЭЪЛОНИ

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ, 21013 UMFS чиқарилишидаги облигациялар 1997 йил 25 июль куни 2979,709 млн. сўмлик ҳажмида тўла қошлади. 21016 UMFS сонди чиқарилишидаги давлат қисқа муддатли облигациялари (1997 йил 25 июлда чиқарилган) тўлов санаси -- 1997 йил 24 сентябрь, муомалада бўлиш муддати 91 кун)ни жойлаштириш бўйича «Кимошди» савдоси Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида шу йил 25 июль куни бўлиб ўтди. «Кимошди» савдосида 16 та дилер-банклар қатнашди. Облигацияларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан эълон қилинган ҳажми -- 3500,0 млн. сўмни ташкил этди. Рақобатдош бўлмаган талабномалар рақобатдош талабномалар умумий ҳажмининг 20%гача миқдорда берилишига рухсат этилди. «Кимошди» савдосига облигация номинал қийматининг 93,20% дан 93,91% гача бўлган баҳолар доирасида талабномалар берилди. Тушган рақобатдош ва рақобатдош бўлмаган талабномаларнинг умумий ҳажми номинал ҳисобидан 5 515,122 млн. сўмни ташкил этди. Талаб тақлифдан 1,6 марта ошди. Қондирилган рақобатдош талабномаларнинг минимал баҳоси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қарорига мувофиқ, облигация номинал қийматининг 93,69% ни ташкил этди. Қондирилган рақобатдош талабномаларнинг умумий ҳажми 2395,042 млн. сўмни ташкил этди. «Кимошди» савдосида қондирилган барча талабномаларнинг ўртача баҳоси облигация номинал қийматининг 93,75% га тенг бўлди. Рақобатдош бўлмаган талабномалар ҳам худди шу баҳода қондирилди. Уларнинг умумий номинал ҳажми 492,681 млн. сўмга тенг бўлди. Жами номинал ҳисобидан 2887,723 млн. сўмлик облигациялар сотилди. Бу эмиссия умумий ҳажмининг 82,51% ни ташкил этди. 46,34% облигациялар дилер бўлмаган инвесторлар томонидан харид қилинди.

«Кимошди» савдоси натижалари бўйича облигацияларнинг даромадлиги қуйидагича бўлди:

Table with 3 columns: «Кимошди» савдоси яқунлари бўйича даромадлиқ (йиллик % ҳисобда), Минимал баҳода, Ўртача олинган баҳода. Rows include overall averages and specific categories like 'Мураккаб фонслар услуби бўйича'.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Авиабанк»нинг давлат қисқа муддатли облигациялари бозори расмий дилерлари сафига қўшилганини маълум қилади. Облигацияларни сотиб олишни истаган корхона ва ташкилотлар «Авиабанк»га қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: 700015, Тошкент ш., Нукус кўчаси, 73, 6-й. Тел: 54-98-98, 54-79-71.

ФАРМОН ВА ШАРҲ

Маълумки, Президентимизнинг шу йил 6 майдаги «Иш ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида»ги Фармони 1 июлдан кучга кирди. Кўпгина газет-хонлар тахририятимизга мурожаат этиб, пенсия таъминотидаги янгликларни шарҳлаб беришни сўрашмоқда. Шу муносабат билан республика Ижтимоий таъминот вазирлиги пенсия хизматини ташкиллаштириш бош бўшқармаси бошлиғи Р. ХОЛМУРОДОВдан бир неча саволларга жавоб беришни илтимос қилдик.

Дарҳақиқат, халқимизнинг ижтимоий манфаатдорлигини оширишда ушбу Фармоннинг аҳамияти катта, -- дея сўз бошлади Раҳматулла Холмуродов. -- Унга мувофиқ, 1997 йил 1 июлдан бошлаб энг кам иш ҳақи, ешга доир пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг қуйидаги миқдорлари белгиланган: -- иш ҳақининг энг оз миқдори -- 750 сўм; -- ешга доир меҳнат пенсиясининг энг оз ҳажми -- 1400 сўм; -- Болалиқдан ногиронлар учун нафақалар миқдори -- 1400 сўм; -- иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар учун нафақалар миқдори -- 850 сўм. Шу билан бирга, барча турдаги пенсияларнинг ҳажмини ўртача 1,5 баравар ошириш кўзда тутилмоқда. -- Пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби қандай бўлади? -- Бу ишни қўнғилдагидек амалга ошириш ва июль ойидан бошлаб пенсияларни тўқиб оширилган миқдорларда тўлашни таъминлаш мақсадида республика Ижтимоий таъминот вазир-

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ: ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

тириб берсангиз. -- Маҳкамат. Айтайлик, ўртача ойлик ҳақи 495 сўм (яъни, 500 сўмдан кам) ва ўн йил ортқица иш стажига эга бўлган пенсияер 1997 йил 1 июлга қадар устамаларсиз 1185 (1125 сўм 60 сўм, яъни 600 сўм х 10 фоиз) пенсия олиб турган. Бу фуқаронинг пенсияси 1 июлдан 1475 сўм (1400+75, ҳар бир ортқица ишлаган йили учун 1 фоиздан қўшимча, яъни 750 сўм х 10 фоиз) бўлади. Бу ерда пенсияернинг иш ҳақи кам бўлганлиги сабабли ортқица стаж учун пенсия суммаси энг кам иш ҳақи ҳисоби (750 сўмдан оширилди). Фармонга асосан, янги иш ҳақлари миқдори 750 сўмдан (яъни, энг кам иш ҳақидан) ортқи, бўлса, у ҳолда стаж учун пенсиялар ҳажми ана шу иш ҳақи, агар 750 сўмдан кам бўлса, энг кам иш ҳақи -- 750 сўм ҳисобидан кўпайтирилади. Бу -- бир. Иккинчидан. Иш ҳақлари 500 сўмдан 1696 сўм 97 тийингача бўлган ҳолларда қандай йўл тутилади? Иш ҳақи 650 сўм ва олти йиллик ортқица иш стажига эга бўлган III гуруҳ ногиронининг пенсия миқдори 1 июлдан бошлаб 729 сўм 25 тийин (650 сўм х 1,5=975 сўм х 3 фоиз 29 сўм 25 тийин, 700 сўм+29 сўм 25 тийин)ни ташкил этиши керак. Бу миқдоримизда ортқица стаж учун пенсия миқдорини кўпайтириш 1,5 бараварга оширилган 975 сўм иш ҳақи ҳисобидан бўлганлиги кўрниниб турибди. Учунчидан. Иш ҳақлари 1696 сўм 98 тийиндан 2045 сўм 47 тийингача бўлганда қайта ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилиши лозим: дейлик, II

гуруҳ ногиронига 1997 йил 1 июлга қадар бўлган 1700 сўмлик иш ҳақидан ўн йил ортқица иш стаж учун 1295 (1700 х 55 фоиз-935) сўм миқдорда пенсия белгиланган. Бу пенсиянинг миқдори 1 июлдан 1657 сўм 50 тийин (1700 сўм х 1,5=2550 х 65 фоиз)ни ташкил этади. Тўрттинчидан. Иш ҳақлари 2045 сўм 48 тийиндан то 3500 сўмгача бўлган пенсия ишлари; ўртача ойлик иш ҳақи 2065 сўм 50 тийин ва саккиз йиллик ортқица иш стажига эга бўлган пенсияер 1301 сўм 27 тийин пенсия олиб турган (2065 сўм 50 тийин х 63 фоиз) бўлса, 1 июлдан бошлаб унинг пенсияси 1951 сўм 90 тийин (1301 сўм 27 тийин х 1,5) бўлади. Бешинчидан. Иш ҳақи 3500 сўмдан ортқи бўлган пенсияернинг ўртача ош хусусияти шундаки, бу тоифа айни қунда энг юқори пенсия олиувчилар ҳисобланади. 3500 сўмдан ортқи бўлган иш ҳақи 1,5 баравар оширилганда 5250 сўмдан кўп миқдорларни ташкил қилади. Демак, 3500 ва ундан юқори бўлган иш ҳақларини тўртдан-тўри 5250 сўм деб ҳисоблаб, меҳнат фаолиятининг давомийлиги мувофиқ, пенсия миқдорини белгиланган лозим. -- Шу фикрингизни кенгрок изохлаб беролмайсизми? -- Биз пенсиялар миқдорини қайта ҳисоблаш билан бирга амалдаги қонун талабларига тўла риоя қилиниши лозим. Қонунда пенсия миқдорини белгилаш учун олинганда иш ҳақи, энг кам иш ҳақининг 7 баравардан ошмаслиги керак, дейилган. Бизда энг кам иш ҳақининг 7 баравари

ҳисоблаб чиқилди. -- Иш стажига эга бўлмаган фуқаролар ва уларнинг оилаларига тайинланган ижтимоий нафақалар ҳам оширилса керак? -- 1 июлдан бошлаб меҳнат стажига эга бўлмаган фуқароларга ижтимоий нафақалар қуйидаги миқдорларда белгиланади: -- 16 ёшгача бўлган ногирон болаларга -- 1400 сўм; -- 1 ва II гуруҳ болалиқдан ногиронларга -- 1400 сўм; -- 65 ёшга тўлган ёлғиз эркакларга, 60 ёшга тўлган аёлларга, шу жумладан, 1994 йил 1 июлга қадар эга доир ижтимоий пенсия олган фуқароларга -- 850 сўм; -- I ва II гуруҳ ёлғиз ногиронларга (болалиқ ногиронлиқдан ташқари), шу жумладан, 1994 йил 1 июлга қадар I ва II гуруҳ ногиронлик бўйича ижтимоий пенсия олган фуқароларга -- 850 сўм. Боқувчисини йўқотганлик учун тўланаётган барча нафақалар, боқувчининг тоифасига боғлиқ равишда қайта ҳисобланади. Фармонга мувофиқ, болали оилаларга тайинланган нафақаларни ҳам ошириш кўзда тутилган. Яъни, 1 июлдан бошлаб болали оилаларга фарзанд турилши муносабати билан берилган бир йўла нафақа энг кам иш ҳақининг икки баравари, бунга икки ешга тўлган унча қараб турганлик нафақаси эса энг кам иш ҳақининг 150 фоизи миқдорда белгиланади, 1500 сўм ва 1125 сўмни ташкил қилади. Шухрат МУРОДОВ, «Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.



РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА

Америка Кўшма Штатлари оммавий ахборот воситаларининг маълум қилишича, АКШ Президенти Билл Клинтон 4 июлда Европа мамлакатларига сафар қилишни режалаштирган.

АКШ давлат раҳбари бўлажак ташрифи давомида Испания, Дания, шу-нингдек, Шарқий Европадаги баъзи мамлакатлар раҳбарлари билан учрашиб, НАТОнинг Шарққа кенгайишига дахлдор масалалар юзасидан келишиб олиши тахмин этилмоқда.

САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК

Ҳиндистонда шу йилнинг 14 июлида мамлакат Президентлигига сайлов ўтказилади.

Шу муносабат билан ушбу лавозимга номзодларни рўйхатга олиш бошланди.

Марказий сайлов комиссиясининг маълумотларига кўра, айни пайтгача Президентликка 70 га яқин номзод давогарлик қилаётир. Улар орасида Ҳиндистон Бош вазирининг ўринбосари К. Р. Нараянан, Марказий сайлов кўмитасининг собиқ раиси Т. Н. Сешен, шу жумладан, мамлакатнинг турли штатларидаги сиёсий арбоблар ҳам бор.

ҲАМКОРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИУЛИДА

Суриянинг Латакия шаҳрида Сурия, Миср ва Форс кўрфазидидаги олти араб мамлакатининг ташқи ишлар вазирлари доирасида учрашувлар бўлиб ўтди.

Унда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, умумий бозорни ташкил этиш, шу билан бирга Яқин Шарқ муаммоларини бартаф этиш юзасидан кенгашиб олдилар.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди.



ХАМКАСБ ХАКИДА СЎЗ

ЖУРНАЛИСТ ДЕГАН ЯГОНА ҚАРАШ БОР

Ўзбекистон телевидениеси «Диёнат» ҳуқуқий-публицистик кўрсатувининг муаллифи ва бошловчиси Муаттар Асқарова табиатан тиниб-тинчимас, жонсарақ журналист. Хамиша ниманидир ўйлаб, уни амалга ошириш орзусида юради. Иккита дипломи бор: жаҳон тиллари университетининг инглиз тили факультетини ҳамда ҳуқуқшунослик институтини тугатган.

-- Журналистик касби аёллар учун оғирлик қилмайди? -- сўрайман ундан.

-- Мен тележурналистман. У, аввало, фидоиликни, ташкилотчиликни талаб этади. Ун беш-йигирма дақиқалик кўрсатув учун ҳафтада, ойлаб меҳнат қилинади. Шунингдек, мушиқани мавзуга, матнга уйғунлаштириш, бир йўналишга бириктириш керак бўлади. Монтаж вақти кўпгина кечки соат 8 дан кейин берилади. Монтаж тугагунча ярим тун бўлиб қолади-ку, уйга қандақ кетаман, деб айтолмайман. Эро, телевидениеда эро, аёл журналист деган сўз мутлақо ишлатилмайди. Журналист деган ягона қараш бор, холос.

-- Университетда инглиз тилидан дарс бериб юрарсанми?

-- Ҳамма гап шундаки, қийин ва машаққатли журналистликни ўлғудай яхши қўраман. Уни ташлаб кетолмайман. Тўғри, ўрта мактабда ўқиб юрган кезларимда бир муддат суҳандонликка қизиқдим. Кейин журналист бўлишга аҳд қилдим. Нашир этилган мақолаларим бўлмаганлиги учун, ТошДУга ҳужжатларимни қабул қилишмади. Жаҳон тиллари университетида инглиз тили факультетига ўқиганга кириб кетдим. Ўқинишни бириктирач, ўзим ўқиган факультетда икки йил дарс бердим. Ўша пайтда амал қилган удумга қўра, Москвада икки йил малака оширишда бўлишим керак экан. Шароитим кўтармади. Шу орада Геология вазирлигининг матбуот марказига ишга ўтдим-у, кўнглимнинг хилватларида

яшириниб ётган журналистик касбига бўлган иштиёқим қайтадан бош кўтара бошлади, тинчимни йўқотдим. Касбга меҳр ҳам ёшиқда берган кўнгли каби қаттиқ бўларкан. 1990 йилдан бери телевидениедаман. -- Иш соати чегараланмаган касб билан шугулланган ҳолда фарзандларингизга етарли тарбия бера олинганми?

-- Имкон қадар ҳаракат қилдим. Шу пайтгача улар ҳақида ёмон гап эшитганим йўқ. Чакки қадам босишмайди. Қизим ҳуқуқшунослик институтини, ўғлим ўрта мактабни тугатди.

-- Кўнглингизда қандайдир ҳаётнинг қандайдир қўралими бўлганми?

-- Йўқ. Уларни тушунишга ҳаракат қиламан. Ҳеч бир одам жиноятчи бўлиб туғилмади. Жиноятчилик кўчага киришининг асл илдизини очиб, содир бўлган нотўғри воқеа-ҳодисалардан бошқалар тўғри ҳулоса, тўғри сабоқ олишлари тарафдориман. Ҳар қандай жиноятчилик, аввало, тарбиясизлик ва маънавий қашқоқликдан бошланади. Яқинда Ўрта чирчилик йигирма ёшли йигит ҳақида кўрсатув бердим. У қўшиннинг хотини ва тўрт нафар фарзандини ўлдирган. Бешта ўлиқнинг тепасида ўтириб, бамайхотир магнитофон эшитган. У дунёга олиб кетадими, деб ўзи ўлдирган аёлнинг қўлидаги зирагини ечиб олган. Кўрсатувни тайёрлаш жараёнида ёшгина йигитнинг сурлигини донорликдан қолдим. Унинг қўлидаги зирагини маҳалла-қўй билмасми?

Ахлоқ тузатиш муассасаларида аёлларнинг бўлишини қай сўз билан ифодалай?

Уларнинг баъзилари ўз эрини ўлдирган ёки ўлдиришда иштирок этган. Аксарият бунга эроқнинг ичкиликка муккасидан кетиб, оиланинг моддий-маиший юки аёлнинг зиммасига тушиб қолгани сабаб бўлади. Оқибатда аёлнинг асаблари таранглашиб, кўзига ҳеч ким, ҳеч нима кўринмай қолган, қотиллик юз беради. Биз қизларни оилга тайёрлаш ҳақида кўп гапираримиз. Афсуски, йигитларни ҳам тайёрлаш керак. Чунки онасининг, хотинининг, синглисининг, қизининг икки халта нарсга кўтариб келаётганини кўриб, орданмайди-диган эроқлар аз эмас.

-- Чарчаган пайтнингизда қай йўсинда ҳордиқ чиқарасиз?

-- Набирман Нозиманининг бегубор ва тиниқ кўзларига бир зум термуламан-у, болаликнинг мусаффо оламида, энг содиқли диллар ичра кўргандек бўламан, ўзимни. Чарчоқларим қаёққа кетганини ҳам билмай қоламан.

-- Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунин байрами арафасида «Йилнинг энг яхши журналисти» танловининг иккинчи мукофоти билан тақдирландингиз. Бундан қўноқинингиз табиий, лекин масъулияти безовта қилмайдими?

-- Ҳа, кундан буён бир фикр кўнглимга жо бўлиб қолди: биз, журналистларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун бутун масъулиятни ҳис этган ҳолда ишлашимиз керак.

«Халқ сўзи» мухбири Гулчехра ЙЎЛДОШЕВА сўхбатлади.

ФАРЗ

Маҳалладагилар уни «домла» дейишади. Улфатдагилар «кўшинингиз» дейишади. Қалам-қашлар «танкидчи ўртоғингиз» дейди. Олиси шахар ва кишлоқдаги кадрдонларимиз «телевизорда чиқадиган дўстингиз» дейишади. Унинг ўзи «мен танкидчи эмас, ўқитувчиман, домламан», дейди. Мен эса олдийгина қилиб, уни «Абдуғафур ака» дейман.

Бу ташбехларнинг ҳаммаси тўғри. Қўшнлиги ва танкидчилиги ҳам, олимлиги ва телевидорда чиқиши ҳам... Ўзини энг аввало домла -- университет домласи санаши ҳам...

Одамини синамоқчи бўлсанг, ё кўшини тур, ё ҳамсафар бўл, деган гап бор. Абдуғафур ака билан ҳам кўшинимиз, ҳам кўп сафарларда бирига бўлганмиз. Боботго арназорларидан, Сирдарё бўйларидан, Сижжанинги бўлбул чакчаллаган боғларидан, Бухоринг асрий обидалари зияратидан...

Бундай сафарларнинг ташаббускори кўпгина Озод ака бўлган. Айниқса, Ўшдан Тоғли Бадахшонга қилган сафаримиз эсан чийайди. 728 чақирим йўл шундай қалтис доволардан ўтганки, ўзимизнинг Қамчиқ, Ташқорача доволарини шунчаки тепалик, деса хато бўлмайди. Қорлару музлар ҳам, хатто булутлар ҳам пастда қолиб кетган чўққига чиқсангиз галати бўларкан... Ҳаммаёқ тош, тош, тош... Худди Ойдаги манзараларга ўхшайди. Ҳаво етибмайди. Юрак қўриқлайди, кўзингиз қизариб, юзларингиз қўқир-қўра туста киради. Бу хасталиқнинг номи -- тутак. Ҳаво сийрақлиқдан бўладиган касаллик...

Мана қўраётганидан шикоят қилсанг, Озод ака ҳазилга олади. «Шунга ота гўри қозинами?...»

Абдуғафур ака эса маслаҳат беради: «Ёзинг! Шу ҳолатларнинг ҳаммасини ёзинг!»

Чиндан ҳам ўша манзаралар, таассуротлар «Нур борки, соя бор» романида акс этган (Китоб вариантга Тангриберган ливъисини киритмаганим учун энди афсусланаман).

Йўлаб қарасам, кўп нарсаларни ёзишга Абдуғафур ака ундаган экан. Масалан, «Шумли» деган китобнинг яратилишига Абдуғафур ака даъват этган ва... «қадрамонлардан бири ҳам ўзи. Худо гўрини нурга тўлдиргўр Баҳодир Фуломовнинг дўлисини ўғирлаб қўйиб,

икки хўсса қўмнатига ўзига сотганимиз, паспортини беркитиб, яна «топиб», суянчисига ошга туширганимиз... ҳаммаси бўлган воқеалар. Бундай шумлиқларни Озод ака ўйлаб топар, «чирқосини» эса мен билан Абдуғафур ака «амалга оши-

радик». Буларку беозор ҳазиллар эди. Абдуғафур ака бир қанча жиддий асарларнинг яратилишига ҳам рағбат этган. Ўз вақтида катта ўзгаришларга сабаб бўлган «қалбнинг олпоқ дафтари» мақоласининг гоёсини менга шу дўстим айтган. Кўп китоблардаги кўп боғлар шу дўстим маслаҳати билан киритилган. «Виждон дориси» драмасининг деярли ярмиси Термизда, Абдуғафур аканинг қайноғасиникида ёзилган (Мемонга борганда ҳам тинчилик йўқ).

... 1980 йили онам вафот этди-лар. Бир кунда. Тўсатдан... Жудолук авами бирдан билинмас экан. Бир-икки ой ўтиб чидаб бўлмас дардга айланаркан... Шу онгр дамда Абдуғафур ака билан Баҳодир ака ҳамдард бўлишди. «Отпук олинг», -- деди Абдуғафур ака, -- биз ҳам таътилга чиқдик. Тоққа чиқиб кетамиз!»

Шундай қилдик. Ўзимни чалғитишга харчанд уринмай, қўлимдан келмайди. Кечалари онам тушимга кириб чиқадим... Бир кун Абдуғафур ака эътирозга ўрин қўлдирийдиган оҳангда тушпирди:

-- Менга қаранг. Бошқаларда йўқ кўрол сизда бор-ку! Шу дардларингизни нега қўгозга туширмайсиз? Ёзинг! Ҳаммасини ёзинг! Ҳужо бўладими, романи... Мени айтди дерсиз, мана шу асарингиз жуда яхши китоб бўлади!

«Дунёнинг ишлари» нинг илк сатрлари ўша кезлари, Сижжакдаги кадрдонимиз уйда қоғозга тушган... Асар деярли бир йил давомида ёзилди. Ҳар бир ҳижояни сиёхи қўримасидан Абдуғафур акага ўқиб берардим... Деярли ҳамма асарларим

ганини, гагида жон борлигини айтди. Мен яна такорладим.

-- Ҳанақа асар ёзилган «қайта қўраверсин». Норбой аканинг ўзи ҳам сиёсатбон асарларни мактаган пайтлари бўлган.

-- Шу одатингиз бир жиҳатдан яхши, бошқа жиҳатдан ёмон, -- деди Абдуғафур ака муроасага чорловчи оҳангда. -- Танкидчилигимизда ҳам камчилик кўп. Лекин сиз танкидлар билан бахслашиб ўтирманг. Биласиз, мен ўзимни ҳеч қачон танкидчи ҳисоблаган эмасман.

Тўғри гап. Абдуғафур Расулов

Ўткир ҚОШИМОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

МЕНИНГ «МИНГ ЙИЛЛИК» ДЎСТИМ

Биринчи навбатда олим. Домла. Башарти бирон асар ҳақида танкидий мулоҳаза билдирган ёки ҳаммаси олимлар билан бахслашган тақдирда ҳам фикрини оғир боғмайдиган қилиб айтди. Баъзан гапнинг ярми ичиде қилиб кетганга ўхшайди. Бу қанчалик яхши, қанчалик яхши эмас, унсини билмадим-ку, бироқ унинг мақолаларида, хусусан, танкидий мулоҳазаларида жонқурлик бор. Қаҳр эмас, меҳр бор. Менимча бу жуда катта фазилат.

Баъзи танкидчи дўстларимиз «жанговар танкид», «фш қилувчи танкид» деган шорларни байроқ қилган пайтлари бўлган. Мен бир нарсани тушунмайман. Улар кимга қарши қилибди? Қаламкашгами? Кимни фш қилади? Нимани фш қилади? Одатда душманга қарши жанг қилинади. Жиноят фш этилади! Камчилик эса кўрсатилади. Илмий асосланган жўяли маслаҳат берилади...

Шу жиҳатдан Абдуғафур Расуловнинг ўнлаб мақолалари, гарчанд ўзи «мен танкидчи эмасман» деб кўп такорласа-да, адабиётнинг мана шу жиддий соҳаси -- адабий танкиднинг ўзига хос мурабаб жиҳатларини жуда «чўр» таҳлил эт-

ган «Танкидчилик ўқуқлари», «Ўзбек танкидчилиги» монография ва дарсликлари, «Янги замон, янги қарамадон», «Ўзбек прозасининг тарихий» китоблари, ҳаммамизнинг устозимиз, атоқли олим Озод аканинг бетакор кирраларини қамраб олган «Озод Шарофиддин» портрет асари, яна бир атоқли олим Шоислом Шомўқамедовга бағишланган «Олим ва таржимон» китоби -- буларнинг бармаси адабий жараёнга қўшилган салмоқли ҳиссасидир. Албатта, бу китобларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида тўхталиш мумкин. Лекин бу юмушни қилиш қирқ ёрайдиган мутахассисларга ҳавола қилиб, «минг йиллик» дўстининг инсон ва олим, биродар ва маслаҳатчи сифатидаги фазилатлари ҳақида икки оғиз тўхтадим, холос.

Дароқе, яна бир нарсани айтишим керак. Абдуғафур ака ниҳоятда одамшаванда, дўстларига, устозларига ниҳоятда садоқатли, инсоний бурчи асло унутмайдиган одам. Ҳар қимда ҳам ўзига яраша камчилик бўлади. Мен барвақт туринчи ёқтирмайман. Қиш кунлари соат бешларда, ёзда эса тунги соат учларда эшик тақиллаб қолади. Чиксам, Абдуғафур ака турган бўлади. «Энди, уйғонишга уйғондингиз, фалончисиюга ошга бормансангиз бўлмайди, ота кадрдонингиз неварасини ўйлантирдингиз...», «Қани олтанга қолдингиз, сизнинг ошасига йилгира қиялти, бормансангиз қўнглига келадим...» Тўғриси айтсам, Абдуғафур акадан ранжидиман. Эл ичиде юришининг ўзи бурч-ку!

Дўстининг устозларига -- Озод ака, Қарим ака, Умарали акага бўлган меҳрига доим ҳавас қиламан...

Университетнинг минглаб талабалари уни устоз сифатида беқўёс ҳурмат қиладилар. Ўнлаб ҳамкасблари олим сифатида қадрлайдилар. Маҳалладашлар одамшавандлиги учун иззат қиладилар. Ўн минглаб тошбабинлар телевидениедаги доно кўрсатувлари учун эъзозлайдилар. Мен эса мана шу фазилатларнинг ҳаммаси учун, аввало, сирдош дўстим бўлгани учун Абдуғафур акани ҳўш қўраман.

Дўстим тўғрисида айтадиган гапларим кўп. Худо хоҳласа, қолганини Абдуғафур аканинг етмиш ёшида яна бағуржа гаплашамиз...

ИНДОНЕЗИЯЛИК БОКСЧИЛАР САМАРҚАНДА

Мамлакатимизга ўртоқлик учрашуларни ўтказиш учун таширф бўлган индонезиялик боксчилар икки кўн давомида Самарқанда бўлиб, вилоят чарм кўлақон устаслари билан кўч синашдилар.

Бир неча кун аввал индонезиялик меҳмонлар Андижон, Фарғона, Жиззах ва Янгиобод шаҳарларида республикаимиз вакиллари билан қатор учрашулар ўтказиб, 3,5:0,5 ҳисобида маглубиятга учрашган эди. Шу боис, меҳмонлар бу галги мусобақага пухта ҳозирлик билан келди. Бирок, самарқандлик чарм кўлақон усталари мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиш учун кўч-гайратини аямади. Натижанда 5:3

ҳисоби билан майдон эгалари галаба қозонишди. Атлантадаги XXVI олимпия уйинлари қатнашчиси, халқаро тоифадаги спорт устаси Д. Ёрбеков, шунингдек, Н. Отаев, Н. Жуманиёзов, Ян Кулков сингари боксчиларимиз командамизга галабасини таъминлашга муносиб улуш қўшди.

КАРАТЭЧИ ҚИЗЛАР ЮТУФИ

Италиянинг Милан шаҳрида ниҳонсига етган каратэ бўйича жаҳон чемпионатида энг кўп спортчи иштирок этди. Бу шаҳарда 75 мамлакатдан бу спорт турининг 2000 вакили тўпланди. Беллашуларда эроқлар ҳам, аёллар ҳам иштирок этди.

Шунинг учун ҳам «Ката» дастури бўйича учинчи ўринни олган Ойжон Бойсанбоева ва «Кумитэ» дастури бўйича шохсупанинг учинчи босқичига кўтарилган Елена Гребенова-нинг бронза медаллари қадрлидир. Эроқлар орасида эса Ўзбекистон терма командаси «Кумитэ» дастури бўйича команда биринчилигида энг кучли ўнлик қаторидан жой олди.

71 килограмм) кумуш, Владислав Резник (вазни 91 килограммдан ортик) бронза медал олишга муваффақ бўлди.

СПОРТЧИЛАРИМИЗ МЕДАЛЛАРИ

Қозон шаҳрида кикбоксинг бўйича Европа-Осиё чемпионати ниҳонсига етди. Унда Европа ва Осиёдаги 22 мамлакатдан 500 спортчи иштирок этди.

Ўзбекистон терма командаси бу мусобақадан учта медал олиб қайтди. 75 килограмм вазн тоифа-

(ЎзА).



«Тулум, ўшаларга басма-бас очил...» Т. ХАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ 1997-98 ўқув йилига тўлиқсиз ўрта (9-синф) ва ўрта (11-синф) маълумотга эга бўлган ўқувчиларни қабул қилади. Билм юрти Тошкент шаҳар ҳамада республика вилоятларининг давлати муассасаларида ишлаш учун «Ҳамишаралик иши» бўйича тиббиёт ҳамшираларини тайёрлайди. Билм юртига Тошкент шаҳри ва Ўзбекистон Республикаси вилоятларининг фуқаролари ётқоҳона билан таъминланмаслик шарти билан қабул қилинади. 11-синфини тугатган ўқувчилар учун ўқини муддати — 1 йилу 10 ой. Кириш имтиҳонлари тест синовлари асосида (биология, она тили ва адабиёт) фанларидан ўтказилади. Тўлиқсиз ўрта маълумотга эга бўлган 9-синф ўқувчилари учун ўқини муддати — 2 йилу 10 ой. Кириш имтиҳонлари она тили (диктант) ва одам анатомияси (зоология ва ботаника асослари билан) фанларидан (оғзаки) ўтказилади. Машгулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ҳужжатлар 20 июндан 25 июлга қадар қабул қилинади. МАНЗИЛ: Тошкент шаҳар, Чилонзор даҳаси, 1-мавзе, 9-уй. 34, 77, 2, 94, 181, 182 автобусларнинг, 4, 9 трамвайларнинг, 16, 11, 6, 7 троллейбусларининг ҳамда метронинг «Ҳамза» бекати.

ДУНЁГА ЭЛТАР ЙЎЛЛАР ЯПОНИЯГА МУСИҚИЙ САЁҲАТ Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Нуриддин Хайдаров, Абдулахад Абдурашидов бошчилигидаги бир гуруҳ санъаткорлар кўни кеча Япония иқодиё сафаридан қайтишди. Улар «Мин-Он» концерт биришмаси томонидан ташкил қилинган «Буюк илақ йўли бўйлаб мушиқий саёҳат» дастури асосида «Ўзоқ келаяканга тўшалган йўл» шiori остидаги концертларда ўз санъатларини намоиш қилдилар. Бу дастур 1979 йилдан бери ҳар икки йилда бир марта ўтказилиб, жорий йилдаги омири -- 10 дастурда Ўзбекистон, Туркия ва Хитойнинг Уйғур Автоном вилоятидаги қардошларимиз миллий қўшнчилик ва рақс санъати билан қўнқар мамлакат мушисларини қўнқдан таништирдилар. Мазкур дастурга шу йўлгача Туркиядан то Тинч океани соҳилларигача узалган ҳудудда -- қадимий Буюк илақ йўлида жойлашган 20 та давлат вакиллари қатнашди. Концертлардан кўрада тугилган асосий мақсад -- Осиёнинг шарқи ва ғарбида яшовчи халқларнинг маданий алоқалари ва ўзаро ҳамкорлигини қўнқитиришдир. Ўзбек, турк ва уйғур санъаткорлари биргаликда бир ярим ой мобайнида Япониянинг 31 та шаҳрида концерт беришди. Санъаткорларнинг ҳар бир қишии нозик дилли япон томошбинлари томонидан яқсон олқушга сазовор бўлди. Ўзбекистон вакиллари Самарқандаги Шердор мадрасаси тасвири туширишдан саҳналарда жоизобали қўшиқ ва рақслар ижро этдилар. Б. ШОХНАЗАРОВ.

ТРИДАЦАТЬ ПЛЮС ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СУРАҒ ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СУРАҒ АПКОСУЛ гепатитдан ва сўрункали ичкиликбағлиқдан жигар хасталиқидан, сақлайдиган восита

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиуми ва касба уошмаси биришган қўнқитаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ЕР ҳақидаги фанлар бўлими раиски, академик Х. Акбаровга оналари МАҲБУБА аянинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади. Ўзбекистон Республикаси Макройқтисодиёт ва статистика вазирлиги жамоаси бош мутахассис Р. Аҳмедовга отаси Рифкат АҲМЕДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия билдиради.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Ҳуқуқ ва қонунчилик 36-37-85; Иқтисодиёт 36-36-65, 36-07-94; Маънавият 36-35-60; Тунги муҳарририят 33-10-28; Эълонлар 36-09-25. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г — 0449. 34.845 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга тошириш вақти — 21.30 Босишга тоширилди — 21.30 МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Т. Абдурахмонов. Навбатчи — Х. Абдурахмонов. Мусаҳҳиҳ — Ш. Режапов.